

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF EXPERIMENTAL STUDIES

СҮҮНОВА Лобар Отабек қизи

Тошкент давлат аграр университети

ГАЙБУЛЛАЙЕВА Гулрух Нозилмуродзода

Тошкент давлат аграр университети

ЯХШИБЕКОВА Гулҳаё Равшан қизи

Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14511717>

ОДДИЙ ТОҒРАЙХОН (*ORIGANUM VULGARE SUBSP. GRACILE* (K. KOCH) IETSW.) ДОРИВОРЛИК ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда оддий тоғрайхонни кўпайтириш ва етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича натижалар келтирилган. Шу билан бирга *Origanum vulgare subsp. gracile* (K.Koch) Ietsw. ning хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда туркумнинг 1 та *Origanum vulgare subsp. gracile* (K.Koch) Ietsw. кенжа тури мавжуд. Дунё бўйича ушбу туркумнинг 44 та тури мавжуд. Ўсимликнинг хом-ашёсини ялпи гуллашининг бошланишида, июль ойида йиғилади. Тоғрайхон марказий нерв системасини тинчлантирувчи, овқат ҳазм қилиш ва бронхиал безлар секрециясини кучайтиради. Қайнатмаси кучли сийдик хайдовчи сифатида маълум.

Калит сўзлар: тоғрайхон, тарқалиш ареаллари, экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, хомашё, тиббиётда қўлланилиши.

THE MEDICINAL PROPERTIES AND CULTIVATION OF OREGANO (*ORIGANUM VULGARE SUBSP. GRACILE* (K.KOCH) IETSW.)

ANNOTATION

The article presents the results of scientifically based methods of propagation and cultivation of oregano in Uzbekistan. At the same time, information is provided on the preparation of raw materials of *Origanum vulgare subsp. gracile* (K.Koch) Ietsw., its quality, medicinal use and chemical composition. In Uzbekistan, there is 1 subspecies of *Oregano vulgare subsp. gracile* (K.Koch) Ietsw. There are 44 species of this genus worldwide. The raw materials of the plant are collected at the beginning of full flowering, in July. Oregano has a calming effect on the central nervous system, enhances digestion and secretion of bronchial glands. Its decoction is known as a strong diuretic.

Key words: Oregano, distribution areas, planting, cultivation, agrotechnical measures, raw materials, use in medicine.

ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА И ВЫРАЩИВАНИЕ ДУШИЦЫ ОБЫКНОВЕННОЙ (*ORIGANUM VULGARE* SUBSP. *GRACILE* (K.KOCH) IETSW.)

АННОТАЦИЯ

В статье представлены результаты научно обоснованных методов размножения и выращивания душицы в Узбекистане. При этом даны сведения о заготовке сырья *Origanum vulgare* subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw., его качестве, лекарственном использовании и химическом составе. В Узбекистане встречается 1 подвид *Origanum vulgare* subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw. В мире насчитывается 44 вида этого рода. Сырье растения собирают в начале полного цветения, в июле. Душица оказывает успокаивающее действие на центральную нервную систему, усиливает пищеварение и секрецию бронхиальных желез. Ее отвар известен как сильное мочегонное средство.

Ключевые слова: Душица, ареалы распространения, посадка, выращивание, агротехнические мероприятия, сырье, использование в медицине.

Кириш

Бугунги кунда жаҳон ва илм фанда доривор, озик-овқатбоп ва хушбўй зираворлик хусусиятларини сақловчи ноёб ўсимликларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва уларни етиштириш йўллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай истикболли ўсимликлар қаторига *Origanum vulgare* subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw. ҳам кирди ва ҳозирда қатор мамлакатларда етиштирилиб, хомашёси экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистонда туркумнинг 1 та тури мавжуд *Origanum tyttanthum* Gontsch. [1].

Аммо ҳозирги кунда ушбу тур *Origanum vulgare* subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw. кенжа турини синонимига туширилган. Дунё бўйича ушбу туркумнинг 44 та тури мавжуд [2].

Республикамизда кейинги йилларда фармацевтика ишлаб чиқаришида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликлар хомашё базасини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда доривор ўсимликларнинг хомашёсини кўпайтириш ҳамда уларнинг саноат плантацияларини ташкил этиш, биологик фаол моддаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича қиёсий таққослаш ва истикболли навларини саралаш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда [3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда *Origanum vulgare* subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw. ни кенг масштабли плантацияларини ташкил этиш, республикамиз шароитида ўсиш ва ривожланишини асослаш, фитокимёвий таркибини аниқлаш, кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш, интродукцион баҳолаш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўсимликнинг тарқалиши

Origanum vulgare subsp. *gracile* (K.Koch) Ietsw. Афғонистон, Эрон, Ироқ, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Ғарбий Ҳимолойда тарқалган (1-расм).



1-расм. *Origanum vulgare* subsp. *gracile* нинг тарқалиш ареали
(<https://powo.science.kew.org/taxon/urn:lsid:ipni.org:names:884056-1>)

Агротехник тадбирлар

Тажрибалардан маълумки, экиб ўстириладиган тоғрайхон ёруғсевар, тупроқ танлайди (айниқса суғориладиган шароитда), бегона ўтларга чидамли.

Асосий шудгор ноябрь ойида 25 см.гача чуқурликда ўтказилади. Оч, унумсиз бўзтупроқли ерларнинг ҳар гектарига 50 тоннадан гўнг ва 100 кг.гача фосфор солинади.

Баҳорда дала молаланиб, текисланади. Одатда март-апрелда сабзавот экиладиган ускунада гектарига 5 кг ҳисобига уруғ экилади. Уруғ бир текисда тушиши учун унга 1/5 миқдориди кум ёки бошқа тўлдиргич модда аралаштирилади ва 0,5 см.гача чуқурликда экилади. Шундан кейин экилган ерни ғалтак ёрдамида бир оз зичлаш керак. Майса унганда, лекин ёғин-сочинсиз вақтда, тупроқнинг юза қисми қуруқ вақтида, шунингдек экиш вақтида экич ускунага оқучник тиркаб ҳам эгат олинади. Кетма-кет жилдиратиб, сингдириб суғорилади, акс ҳолда экин бутунлай ювилиб кетиши мумкин. Хусусан, уруғ қадалган тупроқ қавати 2-3 ҳафта мобайнида доим нам тарзда сақланганидагина уруғ баравар униб чиқиши мумкин.

Уруғ қадалганидан 10-16 кун кейиноқ майсалар кўрина бошлайди. Дастлабки вақтда ўсиш сустроқ бўлади ва уни бегона ўт босиб кетади. Шунинг учун ҳар икки марта суғоришдан кейин ер юмшатилиб, ўтоқ қилинади, экин зич бўлса ягоналанади.

Биринчи йили мавсум давомида 12 мартагача, кейинги йилларда 8-9 мартагача суғорилади (апрель-1, май-2(1), июнь-июль 2 тадан, август-2(1), сентябрь-1). Июлнинг ўрталарида эгат олишдан олдинроқ гектарига 50 кг. ҳисобида азотли ўғит солинади.

Тоғрайхоннинг ер устки қисми (80 см узунликдаги пояси) ялпи гуллаш даврида (июнь охирлари - июль бошларида) ўриб олинади. Бунинг учун боғқайчи, ўроқдан, катта майдонларда эса силос йиғадиган агрегат ёки пичан ўрғичдан фойдаланилади. Бунда кескич қисмлар ва асбоблар соз, ўткир бўлиши зарур, зеро ўтмас асбоблар тоғрайхон экинини зарарлайди, ўсимлик хатто илдизи билан суғурилиб кетиши мумкин.

Ўриб олинган тоғрайхон шийпонда 7 см.гача қалинликда ёйилиб, баравар қуриши учун вақти-вақти билан ағдариб турилади. Яхши қуригач, 2-2,5 см катакли ғалвирдан ўтказилади, гул ва барглари поясидан ажратилади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 8-10 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати

Ўсимлик хом-ашёси ялпи гуллашининг бошланишида, июль ойининг бошида йиғилади. Бунда фақат новдаларининг юқориги гуллаган қисми кесилади. Ўрим муддатидан кечикканда, эфир мойлари ва хом-ашё сифати пасаяди. Генератив новдаларининг 2/3 қисми кесилади. Терилган хом-ашёни айвон тагида қоғоз қўйиб, 5-7 см қалинликда ёйилади ва ҳар замон ағдариб турилади. Кейин махсус қуритгичларда 35⁰С ҳароратда қуритилади. Янчилмаган ўсимликни қопларга 5-15 кг, янчилганларни эса 10-30 кг жойлаштирилади. Қуруқ, ҳаво яхши айланадиган хоналарда сақланади. Сақланиш муддати 2 йил. Хом-ашё намлиги 13% дан ошмаслиги керак, эфир мойи абсолют қуруқ ҳолатига ҳисобланганда, 0,2% дан кам бўлмаслиги керак. Моғор ва чиришларга йўл қўймаслик керак.

Тайёр хом-ашё мато қопларга 25 кг.дан ёки тойларга 50 кг.дан қилиб жойланади. У бир йилгача сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби

Ўсимлик марказий нерв системасини тинчлантирувчи, овқат ҳазм қилиш ва бронхиал безлар секрециясини кучайтиради. Қайнатмаси кучли сийдик ҳайдовчи сифатида маълум. Тоғрайхон шунингдек, иштаҳани очувчи ва турли хил шамоллашларда балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади. Томоқ касалликларида чайқаш ва тери йиринг касалликларида ванна қилинади. Таркибидаги эфир мойлари тиш касалликларида оғриқни қолдирувчи ҳисобланади.

Ўсимлик таркибида ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси, флавоноидлар ва эфир мойлари бор.

Тавсиялар

Табиатда етарли даражада захираси мавжуд. Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг тоғли худудларида тоғ этаги ва ўрта тоғ тошлоқ бўзтупроқларида экишни тавсия қилинади. Тоғрайхон террасалар оралиғидаги ҳаракатланувчи бўшлиқларни мустаҳкамлашда қўлланиши мумкин, асаларилар учун нектар манбаи бўлиб ҳисобланади.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Введенский А.И. *Origanum L.* Флора Узбекистана. - Ташкент: АН УзССР, 1961. - С. 409.
2. POWOPlants of the World Online. Facilitated by the Royal Botanic Gardens, Kew. Published on the Internet. 2023. <https://powo.science.kew.org/>
3. Жумабоев Ғ.Ш., Махкамов Т.Х., Авазова М.А. Тошкент воҳаси шароитида испан мингбошини етиштириш технологияси //Agro Inform. – 2022. – №. 4. – С. 30-35.
4. Жумабоев Г. Ш., Махкамов Т. Х. Инвазив усимлик-Испан мингбоши (*Vaccaria hispanica* (Mill.) Rauschert) ни маданийлаштириш истикболлари ва уруг унувчанлиги //ГулДУ ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – С. 17-23.
5. Меликўзиев А. А., Ергешев Д.А., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa L.* нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 168-175.
6. Sotiboldieva D. I., Mahkamov T. X. Component composition of essential oils *Curcuma longa L.* (*Zingiberaceae*) introduced in Uzbekistan //American Journal of Plant Sciences. – 2020. – Т. 11. – №. 8. – С. 1247-1253.
7. Тўхтаев, Б. Ё., Махкамов, Т. Х., Тўлаганов, А. А., Маматкаримов, А. И., Махмудов, А. В., & Аллаяров, М. Ў. (2015). Доривор ва озубоқоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома.
8. Yuldasheva, N. E., & Aminova, M. (2022). *Albuca bracteata*–hind piyozini etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari. Academic research in educational sciences, 3(2), 376-384.
9. Меликўзиев, А. А., Ергешев, Д. А., & Махкамов, Т. Х. (2022). Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa L.* нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари. Academic research in educational sciences, 3(7), 168-175.
10. Сотиболдиева, Д., Махкамов, Т. Х., & Дусчанова, Г. М. (2019). Анатомо-гистологическое строение корневища *Curcuma longa L.* (сем. *Zingiberaceae*) в условиях интродукции). НамДУ илмий хабарномаси, 1, 54-59.